МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Д.Н. Нурматов, У.А.Мадраҳимов

Ушбу мақолада инсон капитали тушунчасининг мазмуни ва унинг иқтисодиётдаги ўрни ўрганилган. Шунингдек, иқтисодий ўсишга меҳнат омилининг таъсири тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *иқтисодий ўсиш, капитал, меҳнат, инвестиция, меҳнат унумдорлиги, самарадорлик.*

В статье рассматривается сущность человеческого капитала и его место в экономике. А также исследовано влияние фактора труда на экономический рост.

Ключевые слова: *экономический рост, капитал, труд, инвестиции, производительность труда, эффективность.*

This article discusses the essence of human capital and its place in the social economy. It also investigates the influence of the factors of labor on economic growth of the society.

Key words: *economic growth, capital, labor, investment, productivity of labor, efficiency.*

Иқтисодиёт назариясидан маълумки, даромад ва харажатларнинг доиравий айланишида бошланғич нуқта ҳам, якуний истеъмолчи ҳам уй хўжаликлари, оилалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ўз олдимизга қўйган муҳим вазифа эканлиги барчамизга маълум” [1]. Ёки бошқача тарзда ифодаласак, жамият ривожланишини асосий ҳаракатга келтирувчи куч ҳам, унинг натижасининг истеъмолчиси ҳам инсон омилидир. Ўз навбатида ушбу омил иқтисодиёт ривожланиши, унинг мезони – ўсишнинг ҳам манбаи [2] ҳисобланади.

Иқтисодиётни ривожлантириш, модернизация қилиш капитал омили билан боғлиқ [3]. Шундай бўлса-да, ғоя, ихтиро, янгиликлар меҳнат маҳсули ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганувчи фанлар доирасида асосий воситаларни - меҳнат қуроллари, айланма маблағларни – меҳнат предметлари сифатида ифодалаймиз. Яъни, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун йирик гуруҳда шу уч омил: капитал, табиий ресурслар ҳамда меҳнат ўзаро бирикади. Ваҳоланки, ҳар учала омилни ифодалашда ҳам меҳнат сўзи қўлланмоқда. Демак, хоҳ микродаражада бўлсин, хоҳ макродаражада бўлсин, меҳнат омилини, унга бўлган талаб ва таклиф ҳолатини ифодаловчи меҳнат бозорини тадқиқ этиш муҳимдир.

Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 2000-2012 йиллар давомида ўртача йилига 1,4% ўсишни ифодалаган. Шунингдек, ушбу даврда меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртача 2,9 фоиздан ўсиб борган. Иш билан банд аҳоли эса ушбу даврда 2,7 фоизга ошган. Иш билан бандлар сони ўсиш суръатининг қийматлари меҳнатга лаёқатли аҳолининг мос қийматларидан ўртача даврларда 0,2 фоизга ортда қолмоқда [4].

Жаҳон амалиётида ҳам охирги йилларда иқтисодий ўсишнинг ижтимоий жиҳатларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, инсон капиталини шакллантиришга ва камбағалликни камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда [6].

Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий жиҳатларига эътибор қаратилаётганда иш билан бандлик масаласига тўхталиб ўтиш лозим. Мамлакатда мавжуд ресурсларнинг бандлигини самарали тарзда таъминлаш асосида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва модернизация жараёнларининг бориши, ўз навбатида, янги ташкил этилаётган иш жойлари хусусиятларига бевосита боғлиқдир. Одатда, ташкил этилган иш жойларини ишчи кучи талаб қилишига қараб иккига ажратамиз – анъанавий ҳамда замонавий иш ўринлари.

Анъанавий иш ўринлари мамлакатда аввалдан мавжуд соҳа ва тармоқлар йўналишида бўлиб, ҳозирда фойдаланилаётган асосий воситалар ҳисобига ташкил этилади. Шунингдек, ушбу йўналишнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири мос техника-технологиядан фойдаланиш даражасига эга кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилганлигидадир. Мазкур турнинг хусусиятлари:

- ишлаб чиқариш қуввати фаол қисмининг ўзгармаслиги;
- мамлакатда мавжуд таълим тизими тармоқларига мослиги;
- ишлаб чиқаришнинг қисман экспортга йўналтирилганлиги ва, асосан, ички талабга мўлжалланганлиги;

Д.Н.Нурматов *– Андижон давлат университети иқтисодиёт кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди;*
У.А.Мадраҳимов *– Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходим-изланувчиси*

- истеъмол товарларини ишлаб чиқариш тармоқларига тегишлилиги.

Замонавий иш ўринлари мамлакатда янги соҳаларни ташкил этишга, агар мавжуд йўналишда бўлса, сўнгги авлод техника-технологияларига асосланганлигида ҳамда таълим тизимига янги талабларни қўйиш каби жиҳатларга эгадир. Унинг хусусиятлари:

- техника тараққиётини ўзида мужассамлаштирганлиги;

- асосан экспортбоп рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги;

- машина ва асбоб-ускуналар ҳамда узоқ муддатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга аосланганлиги.

Ўзбекистон иқтисодиёти олдидаги асосий вазифа бугунги кунда замонавий иш ўринларини кенгайтиришдан иборатдир. Бу асосда иқтисодиётнинг интенсив ривожланиши таъминланади. Шундай бўлса-да, мамлакат меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, анъанавий иш ўринларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки мавжуд меҳнат омилининг тўртдан уч қисми иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд ҳисобланади. Мамлакатда иш билан бандлик даражасини ошириш учун анъанавий иш ўринларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида давлат ҳам, аҳоли ҳам самарага эришади. Давлат ишсизлик нафақаси тўлаётган шахсдан эндиликда даромад солиғи олинади. Аҳолининг иш ҳақи ишсизлик нафақасидан юқори бўлади ва бу унинг истеъмол харажатларининг ортишига ҳамда умумий талабнинг ўсишига олиб келади.

Анъанавий тармоқларда юз бераётган кенгайиш натижасида умумий талаб ортиб, мамлакатда миллий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади. Ушбу ҳолатнинг ривожланиши натижасида узоқ муддатли истеъмол товарларига ҳамда мазкур тармоқлар учун зарурий асбоб-ускуна ишлаб чиқарадиган соҳаларнинг товарларига бўлган талаб ўсади. Бунинг оқибатида замонавий иш ўринларининг ташкил этилишига эҳтиёж туғилади ва уларнинг сони ортади.

Ўзбекистонда яратилаётган янги иш ўринларининг асосий улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тегишли ҳисобланади. Шундай бўлса-да, йирик капитал талаб этувчи замонавий иш ўринлари йирик корхоналарда ташкил этилган янги иш ўринларига тўғри келади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, охирги йилларда замонавий иш ўринлари кичик бизнес соҳасида ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатда 2000 йилда янги яратилган иш ўринларининг 18,6% йирик корхоналарга ва қолган 81,4% кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тегишли бўлса, 2012 йилда мос равишда 14% ва 86% ларни ифодалаган [5]. Демак, анъанавий иш ўринлари сонининг бир бирлик ўзгариши мультипликацион самара асосида замонавий иш ўринларининг ушбу йўналишда ўсиб боришига олиб келади.

Ушбу узвий боғлиқликни таъминлаш учун давлат таълим тизимининг тармоқлар таркибини такомиллаштириб бориши лозим. Яъни иқтисодиётдаги иш ўринлари яратилишининг меҳнатталаб йўналишдан капиталталаб йўналишга ўтиб бориши оқибатида муҳандис-конструкторларга бўлган талаб ортиб боради. Бунинг учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

- таълимга хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимини ривожлантириш;

- муҳандис-педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш;

- таълим муассасалари билан корхоналар ўртасидаги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш тизимини кенгайтиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар базасини бойитиш.

Умумий ҳолда ялпи талабнинг ортиши натижасида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар реализацияси ортади, иш билан бандлик даражаси ўсади ва бу охир-оқибат ЯИМнинг ўсишига сабаб бўлади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. / Ўзбекистон овози.- 2012.- 21 январь.

2. Егоров С. Человеческий фактор и экономический рост в условиях постиндустрализации // Вопросы экономики.- М., 2004.- №5.- С.85-96.

3. Юсупова Н. Инвестиционно-инновационная стратегия регионов республики Узбекистан // Иқтисод ва молия.- №5.- 2010.- С.22-28.

4. Чистякова В. Социальные ресурсы модернизации // Экономист.- 2010.- №5.- С.64-72.

5. Влияние экономического роста на сокращение доли малообеспеченного населения Узбекистана. Колл. авт. Под ред. Чепель С. – Т.: UNDP – 2012.- 95 с.

2014 йил 10 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ҳ.Қўчқаров)